

● Баҳоси 3 тийин.

М. С. Горбачевнинг Хабаровск ўлкасида бўлиши

масалалари билан ҳам шу гулланганман. Уйлайманки, бекорга шу гулланганма бўл-сам керак. Май Пленумини ўтказди, пудрат масалаларини ҳал қилди. Қўлимизда кўп техника бор. Қишлоқ ҳужайна машинасизлиги... бу

Михаил Ефимович Красников узоқ давом этган оқ касалликдан сўнг 1986 й. 31 июль кўни 55 ёшида фот этганлигини чуқур рағзу билан маълум қилди.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

Андижон областида «Совет Ўзбекистони» кунлари

Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг бир гуруҳ ижодкорлари Андижон области меҳнаткашларининг бутунги турмуши ва ишлари билан танишди.

Партия ташкилотлари КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини бажариш борасида қизғин сиёсий-ташкilotчилик фаолиятини амалга ошироқлар. Асосий кўрсаткичлар бўйича ярим йиллик планлар адо этилди. Ўтган йилдаги нисбатан уй-жой, социал маданий-مائий объектлар кўп қурилди. Йиллакорлар давлатга «кумуш тола» сотиш тоширинини анча ошириб бажардилар. Бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш, ем-хашак тайёрлаш жадал бормоқда.

1. ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Тельман номили колхознинг собиқ раиси А. Сойибазаров давлатни, колхозчиларни алдаш йўлига ўтиб олган. Қўшиб ёзиш, сохта ведомостлар тузиш, ҳўжалик нассасини ўларин билан шугулланиш. Бундай қинғир ишларда унга бўхталтер А. Матомиллов, кассир О. Рўзатов, бош агроном Р. Эрташев, тафтиш комиссияси раиси Ш. Умаровлар ҳамкорлик қилишди. Колхоз идора цех партия ташкилоти йилгилишида уларнинг кирдиқорлари аёвона қораланди.

Сойибазаров ва унинг шериклари партия аъзоси деган номга ишорат қилтиришди. Бундай бригадалар Тошболат Гаффаров. — Мен уларни партия сафидан ўчиришни таклиф қиламан.

Коммунист таклифи бир овоздан маъқулланди.

Сўнгги икки йил мобайнида Бўз районда кадрлар состави сифат жиҳатидан анча муштахкамланди. Масъулиятсиз, ўз мансабини сунистеъмоқ қилган айрим раҳбарлар лавозимидан бўшатишди. Уларнинг ўрнига тадбирли, ташаббускор ва ғоявий етуқ ешлар қўйилди. Янги кадрлар район ижтимоий ва иқтисодий фаолиятида тўб бўрилиш ясашга интилоқлар. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида ҳам қайта қуриш жараёни бораётди. Партия комитетларида коммунистлар активлигини оширишга, уларда ўзгаларга ва ўзларига нисбатан талабчанлик, масъулият тўғрисида кўчатиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Коммунистларга берилаётган характеристикалар янгиликларда ошқоқ мухома этилаётди. Кадрлар резерви составига киритилаётган коммунистларда кенг меҳнаткашлар оммасининг бикири инобатга олиноқда. Район партия комитети масъули холимлари кўпроқ қўйи партия ташкилотларида, одамлар орасида бўлишга интилоқлар.

— КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, — дейди «Ленинчи» совхозни марказий устаконаси цех партия-ташкilotлари секретари Каримжон Жураев, — инсон омилни жонлантириш учун, аввало, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга эътибор бериш керак. Устаконамизда ана шу масалага алоҳида аҳамият бериляпти.

Дарҳақиқат, бу ерда унумли меҳнат қилиш ва мазмунли ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шарт-шароит мўхайди. Дам олиш хонаси, ёзда мажлислар ўтказилган ш.

2. ПЛАНЛАШТИРИШДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Айрим планлаштирувчи ташкилотлар ҳодимларининг узоқини қўламаётганликлари кўпинча ишнинг белига тепилди.

Биз бунга Бўз райондаги бир қатор саноат, қурилиш ташкилотлари ва транспорт корхоналарида борганимизда амин бўлдик. Масалан, пахта тозалаш заводини олайлик. Корхона аввалги раҳбарларнинг кўзбўйичалигини туйғайди анчагина зарар қўрди. Давлатдан 3

миллион сўм қарорд бўлиб қолди. Корхонага тадбиркор мутахассис Олимжон Мамадалиев директор қилиб тайинланди. Завод устаконалари ўз ишини биладиган кадрлар билан муштахкамланди. Бир қатор технология жаришларини тақомиллаштиришга муваффақ бўлинди. Натижа чакки эмас. Ҳозиргача корхона бир ярим миллион сўмдан ортққ фойда қўрди. Толанинг чикиши жиҳатидан областа иккин-

Бундан областа ҳамма ишлар силлиқ экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Андижон областида иш мезони ва уни баҳолашда, хуллас, олдинга силжиишимизга таъсир кўрсатувчи ҳар бир соҳада ишни қайта қўрмоқ лозим. Бу фикр областа ва район газеталари ҳодимлари билан учрашувда, Андижон давлат тиллар педагогика институтида ўтказилган газеткорлар конференциясида, Бўз районда газетанинг оғзаки сони чиқарилганида, Ленин районда ўтказилган «Очиқ хатлар кўни»да асосий мавзу бўлди.

Қўйда «Совет Ўзбекистони»нинг оғзаки сони материаллари билан танишасиз.

чи ўринга қўтарилди. Ярим йил ичида реализация қилиш плани 118,5 процент бажарилди. Лекин...

Худди ана шу «лекин» бизни ўйлантириб қўйди. Яъни, заводнинг юк ортиш майдончасида уйилиб ётган қанчадан-қанча пахта тойлари кўрдиқ. Улар — 600 тонна лент ва 400 тонна тола экан.

— Нима учун бу тойлари шу пайтгача буюртмачиларга жўнатилгани йўқ? — сўрадик.

Харидор йўқ, — мийиғида қўлиб жаов берди слесарлар бригадаси бошлиғи Ҳамомилдин Юнусалиев. Кейин у «хў» тортиб давом этди: — Пляний ортинг билан бажарсанг ҳам «қизиқ» бўлар экан. Гап шундаки, ишлаб чиқариш планига қараб тўқимачилик корхоналарига қарий берилган. Улар шу наридга буювон кераклигини олиб бўлинди. Бу майдончадаги тойларида ҳали ҳеч ким нарид бергани йўқ. Республика ва областа ташкilotларига қайта-қайта мурожаат қилинди. Иттифоқ идоралари ҳал қиларини.

Улар бу муаммон қачон ҳал қилишди? Унчага маана бу тойлари жазирамада ётаверадими?

Планлаштиришдаги чалкашликнинг бошқа қўринишига колхозларро механизациялашган кўча колоннасида дуч келдик. Бинокор-

келяпти. Масалан, май ойида ҳеч гап-сўз йўқ, колоннанинг 1986 йилги қурилиш-монтаж ишлари планига бираўласи 410 минг сўмлик ишни бажариш вазифаси қўйиб қўйилди. Колонна шунча қўшимча ишни бажара оладими, унга шунга яраша фонд акретилдими, ишчи кучлари билан ёрдам берилдими, областаги мутахассиди ўртоқлар ўйлаб ҳам қўйишмади. «Юкори»дан шундай кўрсатма бўлган эмиш. Оқибатда ярим йил ичида колонна 90 минг сўмлик ишни кам бажарди. «Уз-агропромстрой»га қарашли 2-Андижон қурилиш трести (бошқарувчиси Ш. Немайшов) бу ҳада жиддий бош қотириши, келаси йил планларини ишлаб чиқаётганда ана шу кўсурни ҳисобга олиши керак.

Ҳадемай, йил ҳам тугайди. Лекин шу пайтгача кўпгина объектларга келаси йили бунёд этиладиган ишшоотларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини беришга кирдирилгани йўқ. Бўзлик қурилиш олимпиада яна бир муаммо қўндалан бўлиб турди. 14-тармоқларро механизациялашган кўча колонна район марказида қол қўраётган Маданият саройининг умумий қурилиш ишларини деярли тугатиб қўйган. Аммо, ундан қичиб кетолмайдик. Чўчки саҳна-насида дуч келдик. Бинокор-

Беш йиликнинг биринчи йили—барча меҳнат коллективлари иши учун синодир, қайта қуриш амалда қандай бораётганлиги, унинг ғоялари нақадар чуқур идрок этилиб, қандай амалга ошири-

лар ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари топиригини барбод қилишди. План 92,8 процентдан нарига ўтмади. Нима учун? Негизан илгари юзлари ёруғ бўлиб келган мазкур колоннанинг қурувчилари эндиликда уялиб қолди? Ахвол билан чуқурроқ танишганимизда масала ойдинлашди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрлиги ва «Уз-колхозстрой» тугатилгач, улар иштиридаги ташкilotлар «Уз-агропромстрой»га ўтказилди. Республика кўламинидаги қайта қуришлар ҳанузгача областлар ва районлар миқёсида узил-кесил амалга оширилмаганлиги салбий оқибатларга олиб

3. НУҚСОНЛАР ТАҚОРЛАНМАСИН

Ҳамма нарса меҳнатга муносабатдан бошланади. Халқ ҳўжалигининг барча соҳасида бўлганидек, қишлоқ ҳўжалигида ҳам давлат, меҳнат ва план нитизомини муштахкамлаш мавжуд нуқсонларни бартараф этишнинг асосидир.

Район ҳўжаликларида ҳозирги долзарб қўндаларга ҳўза парварчили қизғин бормоқда. Суворил, озиклан-тириш ва ишлов бериш иши мутахассисларнинг доимий назоратида турибди. Энгелс номили, Карл Маркс номили колхозлар, «Ленинчи», «Партия XX съезди» совхозларида агротехниканинг катта

самарасини кўриш мумкин. «Партия XX съезди» совхозининг Рўзмет Зокиров бошқараётган 2-бўлим деҳқонлари иши диққатни тортди. Бўлимнинг Ҳошимжон Охунов бошчилиги қилаётган бригадаси аъзолари гектардан 44 центнер ҳосил қўтариш учун қурашмоқдалар. Баравж гўзалар, дўркун ишқоллар улар меҳнатининг самарасидан дарақ беради.

Ишни ташкил қилиш, ишчи кучидан тўғри фойдаланиш, механизация самаралорини ошириш мўл ҳосил олишнинг асоси ҳисобланади. Район пахтакорлари, ҳўжалик раҳбарлари ва му-

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан руҳланган Андижон областа Москва райондаги «Правда» колхозининг республикада хизмат кўрсатган пахтакор, қатор орден ва медаллар кавалери Фозилжон Иброҳимов бошлиқ бригадаси аъзолари съездлар йилида улкан маршалари кўлаб меҳнат қилмоқдалар. Улар мавжуд юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон қўтаришга азму қарор қилишган. Уста пахтакор Ф. Иброҳимов бригадаси далаларида мажбурийта яраша ҳосил етиштирилди.

Суратда: бригада сардори Ф. Иброҳимов.

А. Тўраев фотоси.



тахассислари бунга яхши билан фойдаланиш даражаси паст. Айрим раҳбарлар ишчи кучи етишмаслигини рўқач қилишди. 90—100 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригадаларга 35—55 тадан колхозчи тўғри келади. Улар ана шунча ишчи кучини оз дейишса, республикамизнинг қўриқ ерларидаги аҳволни қандай баҳолашар экан? Чўз зоналарида 80—100 гектар май-

Хўжаликларда ишчи кучидан фойдаланиш даражаси паст. Айрим раҳбарлар ишчи кучи етишмаслигини рўқач қилишди. 90—100 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бригадаларга 35—55 тадан колхозчи тўғри келади. Улар ана шунча ишчи кучини оз дейишса, республикамизнинг қўриқ ерларидаги аҳволни қандай баҳолашар экан? Чўз зоналарида 80—100 гектар май-

динова. — Ҳар сафар янги туғилган чақалоқни қўлимга олганимда, унинг нелажадан ким бўлиши ҳақида ўйламан. Кечатгина тўлғоқдан қийналган аёлларнинг бутун фарзандларини бағриларига босиб чиқиб кетаётганларини кўришдан ортққ қувонч йўқ мен учун. Фақат...

Римма Илдусовна ўйга толди.

— Касалхонамизда бир қанча бўлим мавжуд. Қўрган бўлсангиз дорихонамиз ҳам бор. Замонавий медицина асбоблари етарли. Нолитдан еримиз йўқ. Фақат шу анжомларни қўйишга жой торлик қилади. Қўш қаватли бино акратиб берилгани билан аслида у туғруқхона учун мослаштирилган. Бундай ҳолат ишимизга салбий таъсир этади, ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Шифохонага кирверишда қурилиш ишлари кетаётганининг ғувочи бўлди. Бироқ биттуғча унинг нимага мўлжаллангани ҳақида бирон нарса дейиш қийин. Медицинанинг ижтисослаштирилган бўлимлари учун яратилган шароитлар ҳам ўзига хос бўлиши жуда муҳим. Яна бир масала — ги-неколог-акusher, педиатр ва санитарка сингари кадрларнинг етишмаслигидир.

Киши эътиборини тортган ери шундаки, дала шийпонларида ҳам зарур доридармонлар билан таъминланган алоҳида хоналар бор. Улар колхозчиларга медицина хизмати қўрсатиш учун ажратилган. «Ленинчи» совхозининг 3-участкасига қарашли Ҳожи Қодиров бошлиқ бригадала бўлганимизда, намунави дала шийпонини кўриб қувондик. Дам олиш хонаси, аёллар хонаси, мавсумий богча учун ҳам икки хона ажратилган. Иссиқ кунининг тафтини сув олади деганларидек, ювиниш хонасининг мавжудлиги колхозчи аёлларга яратилган яна бир қўлайликдан далолат.

Партиянинг XXVII съездида турар жойларда, меҳнат коллективларида хотин-қизлар советлари ишини жонлантиришга катта аҳамият берилди. Улар жанитимиздаги кенг қўламли масалаларнинг ҳал этилишига жиддий таъсир кўрсата олади. Шу нуқтадан назардан райондаги натор ҳўжаликларидаги хотин-қизлар советлари иши билан қизиқдик.

«Партия XX съезди» совхозида шу совет раиси. Шарофатхон Маширапов билан учрашдик. Маълум бўлишча, бу ерда олиб борилаётган ишлар, ўтказилган тадбирларга оид план ёки қўллама мавжуд эмас. Карл Маркс номили колхозда ҳам шундай совет иш олиб бораётган бўлса-да, олий маълумотли, рисоладагидек кадрлар етишмади.

— Тўғрики кишидан иборат хотин-қизлар совети яқинда (!) ташкил қилинган бўлса-да, қатор тадбирлар, ибратли ишларни амалга

оширишти, — гап бошлади Энгелс номили колхоз раисининг турмуш маданияти бўйича ўринбосари Н. Турғунова. — «Чақон қизлар» конкурси ўтказдик. «Қаҳрамон она»лар билан учрашувларимиз ҳам қизқарғи бўлди. Айниқса, мустақил ҳаётга энди қадам қўйётган, ҳали турмушнинг ачиқ-чўчқини тотиб улгурмаган юкори синф ўқувчи қизлари учун «Қизгина, қадрингин бил» мавзусидаги суҳбат-кечамиз яхши таассурот қолдирди. Турмуш нийоятда ноэлик масала. Ҳаммага ҳам сен ундай яша, бундай турмуш кечир, ден бир хил рецепт бериб бўлмайди. Ҳар ким ўз онласининг тинч-туғулигини фақат ўзи таъминлай олади, холос. Шу маънода оилавий мавзуларда ҳам суҳбатлар уюштириб туришимиз. Назаримизда бунинг таъсири катта бўляпти.

Карл Маркс номили колхозда Даяржинский маҳаласи бор. Пахса деворларнинг бир хил қилиб қўйилганини, оқланганини кўриб дилингиз қувонади. Аҳамиятли томон шундаки, бу ишларнинг бари колхоз пралениеси раҳбарлигида ҳашир йўли билан ўтказилган.

Эндиликда кутубхонаси, клуб бўлмаган ҳўжалик йўқ ҳисоб. Карл Маркс номили колхоздаги марказий кутубхонада катталар ва болалар учун китоблар алоҳида хоналарга қўйилган. Жами 7650 сўмлик китоб фондига эга бўлган кутубхонада икки киши ишлайди. Лекин очигина айтганда, китобларнинг чанг босиб ётгани, кутубхона атрофи қаровисиз ҳолатда экани кишини ранжитида.

Район ҳўжаликларида мактабни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларига алоҳида аҳамият бериляпти. Карл Маркс номили колхозда ўқув йили тугаллангани билан педагогика коллективлари мактаб ремонтини бошлаган экан, ҳозир сўнгги ишлар тугалланган арафасида. Мактаб директори Абдуфаттоҳ Ҳошимжон билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот хусусида суҳбатлашдик.

— Ислоҳотни амалга ошириш учун аввало мактабларнинг моддий-техника базасини яратиш керак, дейди директор. — Аммо, гап қўлу, иш оз. Ҳамма ерда ҳам сўз суботи билан бўлгани яхши-да. Базавий таъкилотлардан амалий ёрдам сезилмайдик. Ўзиниқча яхши ишларни амалга оширишни ўйлаймиз. Масалан, меҳнат дарсларида пахта териш учун этаклар тикниш ёки колхоз учун зарур бўлган ишчилар касаб бериб дегандек... Булар қўлимиздан келади-ку? Мана ўтган ўқув йилидан бошлаб мактабларда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарси алоҳида фан сифатида ўтила бошланди. Бироқ битта ҳам ЭХМ йўқ. Бўйсиз қуруқ дарс ўтишдан нима фойда? Шулар ҳақида мутахассиди ташкилотлардан ёрдам кутамиз.

Э. Хўжаев, А. Қўронбоев, А. Раҳимбаев, У. Файзиева, Н. Жураев — «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари, Т. САТИМОВ — областа радиотехник ширкетининг раиси, Х. Қўронбоев — областа «Коммунист» газетасининг ходими.

Андижон областидаги 7544 «Хайрамон она»лардан бири Ҳалима опа Расуловадир. Унинг бу шарафли унвонга сазовор бўлганига йигирма йилдан ошди.

Суратда: Ҳалима она набиралари Давронжон ва Наргизахон билан.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).



4. СЎЗ БИЛАН ИШ БИР БЎЛСИН

Субҳи содиқда дунёга келган чақалоқнинг «инга-и-гаси» кечис далааларга таралиб, акс-садо беради.

— Ажаб эмас Андижон-

нинг яна бир алп паҳлавон пахтакори туғилган бўлса, — дейди район марказий шифохонасининг туғруқхона бўлими бошлиғи Р. Сахав-

«Бошланғич партия ташкilotларининг жанговарлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади», — деб таъкидланганда КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида. Дарҳақиқат шундай. Барча қатор андижонликлар ҳам бошланғич партия ташкilotларининг макониларини битмас-туганмас экинликда бир неча мартаб ишонч ҳосил қилганлар. Андижон областа шаҳар ва район партия комитетлари, таъбир жоиз бўлса, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини ҳаётга табиқ этиоқ учун ишдаги қайта қуришни айна бошланғич ташкilotларнинг жанговарлигини, ташаббускорлигини, ҳўжумкорлигини, коммунистлар-

